



ДЕПУТАТ ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини белгилаб олишмоқда.



Муқаддас УРОЗАЛИЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат дастурида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича жорий йил 1 июнгача протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш сертификат бериш тизимига ўтказилади.

Фуқароларга ўз танловига кўра, давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имконияти берилади. Бу эса мазкур турдаги воситалар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келиши, сифатли маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши, хорижий тажрибаларни муқаммал ўрганиш орқали ўзимизда мазкур тизимда етуқ ва малакали мутахассислар сафи кўпайишига кенг йўл очади. Бир сўз билан айтганда, Давлат дастурида ногиронлиги бўлган инсонларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим йўналишлар белгиланиши уларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан бир қаторда умидсизлик ҳамда ишонсизлик кайфиятидан халос этиб, ҳаётга муносабатини, қарашини ўзгартиришга хизмат қилади.



Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Давлат дастурида кўтарилган энг устувор ғоя барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар, энг аввало, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси фаровон, ҳаётдан рози бўлган ҳолда яшашига эришиши лозимлигига қаратилгани билан диққатга моликдир. Жорий йилги дастурда ҳам йиллар давомида сақланиб келаятган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга катта аҳамият берилди. Хусусан, меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминланиши лозимлиги белгиланди. Айтиш керакки, бу хайрли ишлар ҳаётга манзилли ва самарали татбиқ этилишида биз, депутатлар ҳам диққатли бўлишимиз лозим. Давлат бюджетидан ажратиладиган ҳар бир сўм ўз ўрнида ишлатилиши назоратга олиниши шарт.



Мавжуда ҲАСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ижтимоий кам таъминланган оилада ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсон билан фарзанд туғилганда, уларга ногиронлиқни белгилаш учун турли хил текширувлар, стационар ёки амбулатор даволанганлик тўғрисида касаллик тарихидан кўчирмалар талаб қилинади. Натижада бола ижтимоий кам таъминланган оила фарзанди бўлгани учун ногиронлик нафақаси олишда ва ногиронлик маълум бир вақтга (бир ёки икки йилга) белгиланиши ота-оналар орасида турли хил муаммолар, сарсонгарчиликларни келтириб чиқараётган эди.

Давлат дастуридаги ногиронлиги бўлган шахс, деб топилганда, ногиронлиқни мuddатсиз даврга белгилаш тизими жорий этилади. Бу биринчи навбатда, соҳада коррупция ҳолатининг, иккинчидан, ногиронлар оврагарчилигининг олди олинади. Яъни, ҳар уч ва олти ойда касаллик тарихи очириб, стационар ёки амбулатор равишда даволанмас-да касаллик тарихидан кўчирма учун ортиқча вақт, маблағ сарфланмайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ОВОЗИ



№ 6
2021-yil, 10-fevral
Chorshanba (32.648)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

УЛУҒ ШОИР ТАВАЛЛУД КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги Адиблар хибони доимо адабиёт мухлислари билан гавжум. 9 февраль куни ушбу муаззам маскан шеърят ихлосмандлари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар билан янада гавжумлашди.

Улуғ мутафаккир шоир бобомиз таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали тадбир саҳардан одамларни ўзига чорлади. Эрталабданоқ табаррук бу масканда шеърхонлик, ғазалхонлик, адабий суҳбатлар, гурунлар авж олди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид мамлакатимизда кейинги йилларда Алишер Навоий меросини ўрганиш янада кенгрок қулоч ёйганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шоирнинг 580 йиллик таваллуд санаси мамлакатимизда ўзгача кўтаринкилик, байрамона кайфият билан нишонланмоқда. Президентимизнинг тегишли қарори асосида жорий йил якунига қадар Алишер Навоий ижод мактаби, халқаро жамоат фонди, орденини таъсис этиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

Тантанали тадбирда Афғонистон Ислон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Аҳмад Ҳолид Элмий, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, навоийшунос олим Шухрат Сирожиддинов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, профессор Хуррам Раҳимов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда яратилаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлиши, мафқура деганда, аввало, фикр, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси тушунилиши, улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган бўлмоғи кераклигига оид даъватлари тўғрисида сўзлади.

Тадбирда хорижлик навоийшунос олимлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини масофавий тарзда билдириш имконига эга бўлишди. Жумладан, эронлик навоийшунос, «Дўстлик» ордени соҳиб Муҳаммадзода Ҳусайн Сиддиқ Навоий асарлари бутун дунёда

бўлгани каби Эронда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилишини таъкидлаб, соҳага доир тадқиқотлари, меҳнату изланишлари юксак қадрлангани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевдан ғоят миннатдор эканини билдирди.

Туркиялик олим Урхан Куртүгли Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида Алишер Навоий номидаги мукофотни таъсис этиш борасидаги ташаббусларга юксак баҳо берди.

Озарбайжонлик навоийшунос олим Рамиз Аскар Навоий барча жанрларда юксак маҳорат билан, ҳам муқаммал, кўп ва хўп, самарали ижод этган сўз санъаткори эканини эътироф этган бўлса, болгариялик ёзувчи ва таржимон Мария Филиппова-Ҳожи ўзбекистонликларнинг ғоят бой миллат экани, бу хазина Навоийнинг адабий меросида ҳам ўз ифодасини топганини самимиёт ва ҳавас билан сўзлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов Навоий ижодидан намуналар ўқиди. Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ижросида Навоий ғазали билан қуйланувчи машхур «Муножот» ашуласи тантанача ўзгача файз бағишлади.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар кўйдилар.

Тантананада Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Хайриддин Султонов, Абдужаббор Абдувоҳидов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Бехзод Мусаев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.



АҚЛ ИЛА ОЛАМ
ЮЗИН ОБОД ҚИЛ,
ХУЛҚ ИЛА ОЛАМ
ЭЛИНИ ШОД ҚИЛ.

МУНОСАБАТ



Ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланишимиз зарур

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашган эди.

Бугун сиёсий партиялар, хусусан, Халқ демократик партияси фаоллари ҳам бу учрашувда қўйилган вазифалар, илгари сурилган ғоялардан хулосалар чиқариб олишмоқда.

3

СЕНАТ ҚўМИТАЛАРИДА

“ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ Тўғрисида”ГИ ҚОНУН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

100 триллион сўм. Бу 2019 йилда амалга оширилган давлат харидларининг умумий суммаси бўлиб, у ялпи ички маҳсулотда ўзига яраша улушни ташкил этади. 2020 йилга келиб ишбу кўрсаткич 120 триллионга етди. Бироқ ана шундай ҳаракатларни бажаришда, ушбу рақамларнинг янада ўсишида, хусусан, харидор ҳамда давлат буюртмачилари учун очиқлик ва шаффофликни таъминлашдаги айрим муаммолар янги қонунлар эҳтиёжни юзага келтирди.

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлисида бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Мажлисида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Муҳокамалар аввалида тизимдаги баъзи камчиликларга алоҳида ургу берилди.

Эркин ГАДОВЕВ, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Мазкур Қонуннинг мақсади давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган очиқ ва шаффоф, самарали ҳамда яхлит тизимни яратишдан иборатдир. Чунки вазият шунчун тақозо этмоқда.

Баъзи мисолларга тўхталиб ўтсам. Жумладан, харидларнинг аксарият қисми очиқлик ва шаффофликни таъминловчи ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланмаган ҳолда амалга оширилган. Харид қилиш тартибини назорат қилиш тизими бугунги кун талабига жавоб бермайди. Ушбу соҳадаги ҳужжатларга

муддатларда “нарх-сифат” кўрсаткичларини уйғунлаштириш, коррупцияга қарши курашишда самарали натижалар қайд этилишида муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, харидларни амалга оширишдаги муддатлар қисқартирилади, рақобат муҳитини яратиш билан боғлиқ меъёрлар қамраб олинади. Парламент назорати масаласи ҳам белгиланмоқда. Умуман, ҳужжат мазмунан бойитилиб, ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилган. Асосийси, коррупцияга қарши курашиш, харидлар сонини ошириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмига самарали ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

Мажлисида экспертлар, молия, адлия, инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Бош прокуратура, Ҳисоб палатаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентликлари ва бошқа идоралар мутасаддилари иштирок этиб, қонун лойиҳасини атрафлича муҳокама қилди. Ундаги айрим меъёрлар тўлдирилиши, қўшимчалар киритилиши ҳамда тегишли тартибда ҳамма учун тенг ҳуқуқларни беришга қаратилган моддалар билан бойитилиши зарурлиги таъкидланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУРОЖААТНОМА

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИДА

халқаро молия институтлари ва жамғармаларининг ўрни ва аҳамияти...



Нобель мукофоти лауреати, АҚШнинг Шимолӣ Каролина университети профессори Азиз Санжар Самарқанд давлат университетиди.



Исроилнинг Холон технология институти СамДУнинг энг яқин ҳамкори ҳисобланади.



Нобель мукофоти лауреати, Исроилнинг Технион университети профессори Дан Шахмат: СамДУ — Улуғбек мадрасининг вориси. Бу илм даргоҳи 600 йиллик тарихга эга.

Бугун XXI асрда инсоният илм-фан тараққиётида мисли кўрилмаган юксалишларга эришди. Ҳақиқат шундаки, бекиёс имкониятлар замирида ўта ривожланган илм-фан мужассамлашган. Дунёни бугун куч-қудратлилар эмас, кучли тафаккур ва билим эгалари бошқармоқда. Ҳаёт даражаси ҳам аслида илм-маърифатнинг ҳақиқий аҳолига боглиқ.

Бугун Миллат билиши ва англаши зарур бўлган рост гап шуки, фақат илм бизга нажот бера олади. Фақат илм бизни миллат ва давлат сифатида асраб қолади. Мустақил миллат, мустақил мамлакат бўлиб, ер юзиде мустақам ва муқим туришимиз учун ҳам илм-фан жаҳон талабларига, даражаларига яқинлашиши керак. Бу халқимиз учун сув ва ҳаводай зарур. Дунёда бугун таъбир жоиз бўлса, аллақачон илм-фан жанги бошланган. Тасаввур қилинг, бу беллашувда ким ғалаба қозонади? Ким ғолиб бўлади? Билимилар ғолиб бўлади. Илмилар ғалаба қозонади. Мана, илм бизга нима учун керак.

Мустақиллик бардавом бўлиши учун, тараққиётга эришиш учун илм зарур. Мамлакат ва миллатни халқаро ҳамжамият таниши, англаши, ҳурмат қилиши, қабул этишининг ҳам қалити илмдир... Бугун ғоявий курашлар ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Тўзулган ўртасидаги зиддиятлар эса барҳам топди. Бундан кейинги курашлар илм-фан эгалари ўртасида кечади. Тараққиёт даражалари тўғрисида сўз бўлади... Яхши яшашмоқчимиз, болаларингизни ўқитинг. Бой бўлмоқчимиз, фарзандларингизни ўқитинг. Оила бюджетиде асосан таълим-тарбияга қаратилмоғи керак... Билишимиз керак бўлган яна бир ҳақиқат шуки, илм-фани ҳеч қачон алоҳида ривожлантириб бўлмайди. Ривожланиши, тараққиёт этиши учун жаҳон илм-фанига интеграллаштириш жараёни тезлаштириш лозим.

Самарқанд давлат университетиди

мазкур йўналишларда таълим сифати ва самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланди. Европа олий ўқув юртлири билан алоқалар йўлга қўйилди. Ҳамкорларимизда Самарқанд давлат университетида бўлган қизиқиш ва иштило орди. Хорижда тажриба алмашган олимларимиз ҳамкасбларига ва талабаларга сафар таассуротлари ва кузатилган, эгалланган билим ва тажрибалари юзасидан семинар-тренинглар ўтказишди.

“Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўқитувчилари фаолиятини баҳолаш” лойиҳаси доирасида Самарқанд давлат университетини юқори технологияли компьютерлар билан жиҳозлаш мақсадида Жаҳон банкининг 80 минг АҚШ доллари миқдоридида АИФ-2/13 номили лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа 2019-2020 йилларни ўз ичига олган бўлиб, унга СамДУ доценти Ҳажим Хушвақтов раҳбарлик қилди.

кафедраси олимлари ЎзМУ илмий ходимлари билан биргаликда МАГА-ТЭ UZB0006: Building Capacity in the Peaceful Use of Nuclear Science and Technologies at the National University of Uzbekistan and the Samarkand State University лойиҳасини амалга ошироқда. Ушбу лойиҳа 2020-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, умумий қиймати 211000 АҚШ долларини ташкил этади. Унга СамДУ дан А.Сафаров, ЎзМУ дан И.Холбоев раҳбарлик қилади. Шунингдек, ўтган 2020 йилда UZB0006 гранти доирасида жами 82000 евролик асбоб-ускуна олиш учун буюртмалар берилган. Булардан ташқари, ушбу грант бўйича 4 нафар ядро физикаси кафедраси ва лабораторияси ходимларининг стажировкага юбориш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда.

Италиянинг Болония университети билан ўтган йилда имзоланган шартномага асосан томонлар ўртасида агробиотехнология ва археология соҳаларида “Ёзи мактаб” курсларини ташкил этиш, талабалар алмашуви ва бошқа соҳаларда фаолият олиб бориш учун 40000 евролик лойиҳа молиялаштирилди. Аммо бугунги вазиятга кўра, лойиҳани 2021 йилда амалга оширишга келишиб олинди. Ушбу лойиҳага Самарқанд давлат университетини томонидан халқаро ҳамкорлик бўйича проректор Мухтор Носиров раҳбарлик қилади.

Ўтган йили Самарқанд давлат университети халқаро таълим дастурлари факультетида Корея маданият маркази ташкил этилди ва 20000 АҚШ долларлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

2020-2022 йилларга мўлжалланган “Research and Demonstration of Key Technologies for Vegetation Restoration and Reconstruction of Desertified Land in Uzbekistan” Хитой Халқ Республикасининг Норвезист нормал университети билан ҳамкорликда ҳўл худудларини ўрганишга қаратилган 110000 АҚШ долларлик грант молиялаштирилди. Бугунги кунда бу борада хорижий ҳамкорлар билан лойиҳа раҳбари Акбар Аҳмедов илмий изланишлар олиб бормоқда.

АҚШнинг Невада университети ва Ўрмон хўжалиги вазирлиги билан Самарқанд вилоятида тегишли ташкилот ва муассасалар иштирокида яйлов хўжалиқларини ўрганиш бўйича мутахассислар малакасини ошириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. СамДУ томонидан ушбу лойиҳага агробиотехнология ва атроф-муҳит хавфсизлиги факультети декани Тошпўлот Ражабов раҳбарлик қилади. Лойиҳанин умумий қиймати 40000 АҚШ долларини ташкил этади.

Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети билан ҳамкорликда 36 ойга мўлжалланган “Биологик тизимларнинг тиреагеитс тўлқинлари ёрдамида тадқиқ қилиш” илмий марказини ташкил қилиш бўйича лойиҳа молиялаштирилди. Лойиҳада Самарқанд давлат университети илмий ишлар бўйича проректори Ҳажим Хушвақтов, Сеул миллий университетидан М.Сатаров, “ТНЗ-driven Biomedical Systems” маркази директори профессор Gun-Sik Parkлар томонидан амалга ошириш бўйича келишувлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳанин умумий миқдори 4 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Булардан ташқари, ўтган йилда Самарқанд давлат университети Польшанин Лублин технологиялари

университети, Руминиянинг Александра Иоана Куза, Италиянинг Болония университети ва Испаниянинг Гранада университетлари билан 2015-2021 йилларга мўлжалланган Erasmus+ нинг K107-Mobility Project for Higher Education Students and Staff with Partner Countries лойиҳаси (талаба ва ходимлар алмашуву гранти) бўйича фаолият олиб борди ва лойиҳа доирасида илмий ходим ва талабалар хорижда қисқа муддатли семинар-тренингларда иштирок этди. Шунингдек, Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан яқка тартибдаги грантлар ҳам амалга оширилгангани алоҳида таъкидлашни истардим.

СамДУ рус филологияси факультети декани ўринбосари Мавлон Бобохонов, психология ва ижтимоий фанлар факультети фуқаролик жамияти ва миллий ғоя кафедраси мудир Аминжон Айтмов ва шу кафедра ўқитувчиси Лочин Турсунов, рус филологияси факультети англиз тили кафедраси ўқитувчиси Уғилой Курбанова, педагогика факультети педагогика кафедраси докторантлари Комила Маҳкамова ва Фаизил Сатторов 2020 йил 22 январдан 4 мартгача Ҳиндистоннинг ИТЕС гранти доирасида Инглиз ва хорижий тиллар университетидида бўлиб ўтган “Инглиз тили тренинг-курсари”да иштирок этди.

Самарқанд давлат университети илмий-амалий музей-лабораторияси мудир Раҳим Қайумов Erasmus+ International Credit Mobility гранти доирасида 2020 йил 2-7 феврал кунлари Польшанин Лублин технологиялари университетидида семинар-тренингларда қатнашди.

Университетимиз тарих факультети тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси мустақил тадқиқотчиси Нодир Хушвақтов ва амалий математика ва информатика факультети 4-босқич талабаси Шахбоз Савриев 2019 йил 16 сентябрдан 2020 йил 5 мартгача Япониянинг Нагоя университетида NUPACE халқаро гранти алмашуву дастури доирасида ўқишини давом эттириш учун юборилди.

Физика факультети ядро физикаси ва астрономия кафедрасининг II босқич таянч докторанти Мираббос Миркамалов CAS-TWAS Presidents Fellowship халқаро гранти доирасида 2019 йил октябрдан 2023 йил июлгача Хитой Халқ Республикасининг Анхой провинциясини Хефэй шаҳри University of Science and Technology of China университетидида PhD студент, мазкур кафедранин яна бир магистр битирувчиси Шахбоз Ҳасанов CAS-TWAS Presidents Fellowship халқаро гранти доирасида 2019 йил октябрдан 2023 йил июлгача Хитой Халқ Республикасини Фанлар академиясининг замонавий физика университетидида PhD студент сифатида ўқишини давом эттирмоқда.

Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси билан ҳамкорликда Самарқанд давлат университети амалий математика ва информатика факультети математик моделлаштириш ва комплекс дастурлаш кафедраси ассистентлари Зарифжон Эшдавлатов ва Зоҳиджон Қайтаров 2020 йил 1 мартдан 14 мартгача Ҳиндистоннинг Чандигарх университетида малака оширишда бўлди.

СамДУ халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Отабек Умаров Венгрия Ҳукуматининг стипендияси доирасида эълон қилинган грант стипендия дастурида иштирок этиб, Венгриянинг

Дебресен университетидида 2020 йил сентябрдан 4 йиллик аспирантурада (PhD) ўқишга йўналтирилди.

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори, СамДУ халқаро таълим дастурлари факультети ўқитувчиси Акбар Аҳмедов 2020 йил 1 февралдан 31 мартгача Исроилнинг Вейцман илмий тадқиқот институтида илмий стажировкада бўлди.

Япониянинг Нагоя университети талаба алмашуву Кенгаши 2020 йил NUPACE дастури бўйича тил курсларида иштирок этган СамДУ рақамли иқтисодиёт факультети 1-босқич талабаси Махлӣ Муяссарова 2021 йил баҳордан бошлаб Нагоя университети иқтисодиёт факультети грант стипендия дастурларига номзоди қабул қилинди.

2018 йилдан бошлаб ҳар йили Самарқанд давлат университетининг 10 нафар талабасига Хитой университетларида (Xi'an Jiaotong university, Shaanxi Normal University) ўқиш учун стипендия ажратилади. 2019-2020 ўқув йили учун 8 стипендия ажратилган. Стипендиатлар 2019 йил сентябрь ойидан бошлаб Хитой университетларида ўқимоқда.

Самарқанд давлат университети халқаро таълим дастурлари факультети Россиянинг Станкин Москва давлат техника университети билан ҳамкорликда магистрантларни Россия Федерациясига юбормоқда. 2019-2020 ўқув йилида мехатроника ва робототехника мутахассислиги бўйича 7 нафар магистрантлар маълум бир муддат давомида ўқиш учун юборилди. 2020-2021 ўқув йилида яна 11 нафар магистрантни ўқишга юбориш келишилган. Бундан ташқари, психология мутахассислиги бўйича 3 нафар магистрант 2020-2021 ўқув йилида Москва психоанализ институтида масофавий тарзда таҳсил олмақда.

Жорий ўқув йилида Россиянинг Томск давлат технологиялари институти билан имзоланган шартномага кўра, 20 нафар биология ва ихтилолий таълим йўналишларида магистрант алмашуву дастури асосида (double degree) тайёрлашга келишиб олинди.

Россиянинг Северо-Кавказ университети билан имзоланган шартнома бандларига кўра, 2020-2021 ўқув йилларида 1+1 кўшма дастури асосида шу университетнинг бир нафар талабаси Ирина Горькая халқаро таълим дастурлари факультети география тармок ва соҳалари йўналиши бўйича магистратурада бюджет асосида таҳсил олади. СамДУ нинг 11 нафар талабаси Северо-Кавказ университетида бюджет асосида таҳсил олиши режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, ҳар бир йил, ой, кун, соат, дақиқа бизни имтиҳон қилади. Ўтган 2020 йил гарчи машаққатлироқ бўлишига қарамастан, Самарқанд давлат университети олимлари томонидан бир қатор ижобий натижалар кўлга киритилди. Бугун биз уларни сарҳисоб қилиб, асосий эътиборни халқаро ҳамкорлик борасидаги муаммоларни бартараф этишга, режаларни қайта кўриб чиқиб, янада мустаҳкамлашга қаратдик. Мақсад интиқ — СамДУ ва халқаро молия институтлари ва фондлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, давом эттириш, кенгайтиришдир. Бунга кучими, имкониятимиз, билимимиз етарли...

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор, **Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

2021 ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Ишсиз аъзолари бор оилаларга



“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” та киритилган фуқароларга:
— деҳқончилик билан шугулланиш учун 0,1 гектардан 1 гектаргача янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер берилади;
— ажратилган ерлар сугориш тизими ҳамда электр энергияси билан таъминланади;
Берилган ерларни ўзлаштириш учун субсидия ажратилади.

2021 йил 1 мартдан “Навоий кон-металлургия комбинати” ДК қумушни биржа орқали эркин солади.

2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнгача Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг бир қисми қилтирилади:
— авиаташувчиларга — ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда авиачипта нархининг 25 фоизи;
— туроператор ва турагентларга — авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи ҳамда меҳмонхона хизматлари нархининг 10 фоизи.

«ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» жамғармаси орқали 2021 йил 1 апрелдан хорижга магистратура ва докторантурага юбориладиганлар 5 баробарга оширилади



— жамғарма ҳисобидан хорижда бакалаврият бўйича ўқиш жорий этилиб, 2021 йилда хорижга 100 та талаба юборилади.

Физика ва чет тиллари бўйича таълим сифатини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, 2021 йил 1 июлдан ўрта тиббиёт мутахассисларига “хамширалик иши” билан мустақил шугулланишга руҳсат берилади.

2021 йил якунигача меҳрибонлик уйлариининг уй-жойга муҳтож 900 та чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминланади.

2021 йилда 22 та бочка бинолари, 31 та янги мактаб, 16 та ОТМ бинолари, 24 та солиқни сақлаш объекти хамда 23 та спорт объекти курилади.

Давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратиладиган Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилади.

УЧ ЙИЛ АВВАЛ ортиқча тўланган пенсия қайта ундирилмайди



2021 йил 1 июнгача ногиронларни қўллаб-қувватлаш бўйича:
— протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш сертификат бериш тизимига ўтказилади. Бунда фуқароларга давлат берган пул эвазига исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари сотиб олиш имконияти берилади;
— ногиронлиги аниқ кўриниб турганларга текширувдан ўтказмасдан туриб, ногиронлиги муддатсиз даврга белгиланади.

Пенсия ва нафақалар тайинлашни осонлаштириш мақсадида 2021 йил 1 июндан:
— 2005 йилдан олдинги давр учун иш стажини меҳнат дафтарчасидида ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;
— уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;
— ишловчилар ишламайдиган турмуш ўртоқлари келажакда пенсия олиши учун ўз даромадидан ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин;
— пенсия ва нафақалар хоҳишга кўра доимий ёки вақтинча яшаш жой бўйича тўланади;
— пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар банкда ёки электрон шаклда расмийлаштирилади;
— пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлиги тегишли идоралар томонидан берилмайдиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчилар томонидан ҳар 6 ойда Пенсия бўлимига келиш ҳамда маъсۇл ходимнинг жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги “Huququy axborot” канали.



СамДУ магистри Отабек Умаров Венгриянинг Дебресен университетидида илмий-тадқиқот олиб бормоқда.



СамДУ музей-лабораторияси раҳбари Раҳим Қайумов (чапдан туртинчи) Польша Лублин техника университетидида.



СамДУ тарих факультети декани, доцент Д.Журақулова Голландиянинг Лейден университетидида дарс ўтмоқда.

МУРОЖААТНОМА

2021 йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридagi талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади. Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади.

ТАДБИР

«ЁШЛАР – ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ, БЕБАҲО ХАЗИНАСИ»

шиори остида Ўзбекистон халқаро ислом академиясида иш берувчи ташкилотлар ва талабалар учрашуви ўтказилди



Президентимиз томонидан 2021 йилни мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб эълон қилинган жуда катта мазмун-моҳиятга эга. Шу нуқтаи назардан, юртимизда азал-азалдан ёш авлод камоли, уларнинг таълим-тарбияси ва катта ҳаётга замонавий касб-хунарларни эгаллаган ҳолда дадил одимлар билан кириб боришига муҳим аҳамият қаратилган. Бунинг 2020 йилнинг 25 декабрь куни пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форумида давлатимиз раҳбарининг «Бугун ўғил-қизларимизни қийнаётган жиддий муаммолардан бири – ўқини тамомлаган ёшлар бандлигини таъминлашдир. Кўплаб мактаб ва коллеж битирувчилари, баъзан олий маълумотли йигит-қизлар ҳам иш топишда қийинчиликка учрамоқдалар», деб ўқир муаммоларнинг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланганлиги ҳақида кўриш мумкин.

санасида бўлиб ўтади. Айни пайтда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бу йилги битирувчилар сони 462 нафарни ташкил этмоқда.

Учрашувда сўзга чиққанлар, бугунги кунда ислом академиясида маънавият юксак, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз икжодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорига рақобатбардор кадрлар тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилганлиги ҳақида бу борада тизимли ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлашди.

Сир эмаски, бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қилади. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқараши бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланади. Ёшларнинг малакали кадр бўлиб шаклланишида олий таълим муассасаларида замонавий методлар ёрдамида берилган таълим ва улар учун яратилган шароитларнинг аҳамияти юқори саналади.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда академияда мутахассисликлар бўйича бакалавр-магистрлар, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни диний (Қуръон илмлари, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф,

ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси, диншунослик) ва дунёвий (халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти) таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шу билан бирга ислом динининг асл моҳияти, инсониятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, кадрлар тайёрлаш жараёнига етук мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш орқали илм-фан ҳамда таълимнинг ўзаро интеграцияси чуқурлаштирилган ҳолда ўтилмоқда.

Бундан ташқари, «Испомшунослик», «Мумтоз шарқ филологияси» ҳамда «Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар» факультети, «Ўзбек тили ва мумтоз шарқ адабиёти» кафедраси, «Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA», «Дин психологияси ва педагогика», «Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми», «Чет тиллари», «Араб тили ва адабиёти Ал-Азхар», «Ижтимоий-гуманитар фанлар», «Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО», «Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари», «Ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO» ҳамда «Халқаро муносабатлар» кафедралари фаолият юритмоқда.

Хусусан, академия битирувчиларини иш ўрни билан таъминлаш мақсадида бугунги кунда 100 дан ортиқ иш берувчи вазирилик, қўмита, агентлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган ва талабалар таълим даргоҳида опан назорий билимларни амалиётда қўллашлари учун ушбу ташкилот ҳамда идораларда амалиёт олиб бораётгани эътиборга моликдир. Бугунги ушштирилган учрашувда 30 дан ортиқ иш берувчи идора ва ташкилотнинг масъул ходимлари ўзларидаги бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

Марказимиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида, 3-4 ой ичида зиёрат туризми ҳамда медиа ва таълим марказлари ташкил этилади, — дейди Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази юристи Даврон Мухоммов. — Шу боисдан бугунги битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган учрашувга 120 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашмоқда. Тадбир эндигина бошланганига қарамастан ҳозиргача 10 дан ортиқ талабаларга янги ташкил этилаётган марказларда ишлаши учун йўланма берилди. Ўрни келганда шунини айтишни истардимки, бу ерда тахсил олган талабалар нафақат диний, балки дунёвий билимларни ҳам жуда яхши ўзлаштирган экан. Бундан ташқари, бир неча хорижий тилларни ҳам мукамал билишига гувоҳ бўлдим.

Вақтни ўтишини қаранг, кечагина талабалик бахтига муяссар бўлганимиздан, яъни энг катта орзуимиз ушлагани учун бу дунёда биздан бахтлироқ инсон йўқ эди гуё, — дейди академиянинг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши битирувчиси Яхёбек Ҳайиталиев. — Давлатимиз раҳбарига муноби ҳисса қўшадиган мутахассис бўлиш ниятида билим олиш билан овора бўлиб, битирувчи курс бўлганимни ҳам сезмай қолибман. Давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз каби ёшларни иш билан таъминлаш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Бугунги тадбир ҳам бунга мисол бўла олади. Ҳали дипломимизни олмасдан туриб, ташкилот ва идоралар ўзларини бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар билан таълим даргоҳимизга ўзлари келиб туришибди. Бундан ортиқ биз каби ёшларга яна нима керак, дегим келяпти. Ҳозиргина Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмитада ўз йўналишим бўйича ишлаш учун йўланманми қўлга киритдим. Бундан жуда бахтлиман, шу боисдан бу қувончли хабарни ота-онамга етказишга жуда шошилиб турибман. Бир сўз билан айтганда олий таълим даргоҳларини битираётганлар эндиликда иш излаб идорама-идора, ташкилотма-ташкилот юрмайди. Иш берувчининг ўзи таълим даргоҳларига кириб борапти. Мана Президентимизнинг ёшлар учун яратиб бераётган кенг имкониятлари.

Биз ҳам бугунги учрашувга республикамиз ҳудудларидаги барча партия тузилмаларидаги 22 та бўш иш ўрни билан иштирок этаямиз, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташкилий бўлими бошлиғи Гавхар Раманова. — Бу ерда тахсил олаётган талабаларни партияимиз ҳақидаги тушунчаси, яъни партияимиз дастури, ғояси ва мақсадларини жуда яхши билишини ҳамда партияимиз тузилмаларида ишлаш иштироки билан бўлишнинг жуда хурсанд бўлдим. Тадбир эндигина бошланганига қарамастан 10 дан ортиқ битирувчи йўланма тақдим қилдик.

Мухтасар айтганда, бугунги ёшларимизнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида ҳуқуқимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Чунки ёш авлоднинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жишонан соғлом, ватанпарвар ва фидойий этиб тарбиялашга эътибор қанча қучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

БИЛАСИЗМИ?

БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ипотека кредитларининг янги тартиби белгиланди



Ҳуқуқат қарори (05.02.2021 й.) билан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Низомига қўра, Молия вазирлиги томонидан банкларга ажратилган маблағлар ва банклар томонидан қарз олувчиларга берилган ипотека кредитлари: — 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга бозор (фоиз) ставкасида ажратилади; — улар учун аннуитет тўловлар тартиби татбиқ этилади ва имтиёзли давр белгиланмайди; — фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда ўзгартириш қўлади.

Маъзур низоми қондалари: — шаҳар ва қишлоқ жойларда қўрилган бирламчи уй-жой бозорига кўп квартиралар уйларидаги квартираларни сотиб олишда; — Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида таъриба тарихида 2020 йил 1 майгача умрбод эгалли қилиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкаларида яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредитларини ажратишда қўлланилади; Шунга қўра, банклар ва қарз олувчиларга нисбатан мувофиқлик мезонлари ва уларга маблағлар ажратиш тартиби белгиланди.

Фуқароларга ипотека кредити банклар томонидан: — бозор ставкасида; — 20 йилдан кўп бўлмаган муддатга; — бошланғич бадали таъриба ўтказилаётган вилоятларда яқна тартибда қурилатган уй-жой қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда; — сотиб олинган квартира қийматининг қишлоқ жойларда камида 10 фоизи, шаҳарларда камида 20 фоизи миқдорда; — қишлоқ жойларда ва шаҳарларда — 1 ва 2 хонали квартиралар учун 240 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 320 млн сўмгача; — Тошкент шаҳрида — 1 ва 2 хонали квартиралар учун 264 млн сўмгача, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар учун 352 млн сўмгача берилади.

Маъзур тартиб яқна тартибдаги уй-жой қуришига ружат олиб, лекин кейинчалик бирламчи бозорда сотиш мақсадида қурилган кўп квартиралар уйларидаги квартираларни ипотека кредитлари орқали сотишга татбиқ этилмайди.

ШИФОКОР СИРИ

ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қўйидаги сабабларга қўра йўл қўйилади



— аҳоли оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдиролмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида; — юқумли касалликлар тарқалиши, ялли захарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганда; — тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича; — 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари хабардор қилиш учун; — фуқаронинг соғлиғига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганда.

АВТОМОБИЛЬ ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ ҳудудларида қўйидагилар тақиқланади — автомобилотранспортни таъмирлаш, ювиш, унга ёнилли-мойлаш материаллари қўйиш, бунинг учун махсус ажратилган жойдан ташқари; — двигател ва агрегатлар учун очиқ ҳолдаги оловдан фойдаланиш; — автомобилотранспортни соатига 5 км дан ортиқ тезликда бошқариш; — тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш; — ёнилли-мойлаш материалларини сақлаш учун жойлар барпо этиш.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ДАВЛАТ УЛУШИ МАВЖУД БЎЛГАН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

босқичма-босқич хусусийлаштирилмоқда

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН «БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАМДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Марказий банк масъул ходимлари банк тизимида трансформация қилиш, тижорат банкларини босқичма-босқич хусусийлаштириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш, банк ва миждоз ўртасидаги муносабатларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида янада яхшилаш борасида маълумотлар берди. Шунингдек, тадбирда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва банк тизимида давлат улушини камайитиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Хусусан, банкларни хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган, — дейди Марказий банкнинг Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти директори Санжар Носиров. — Банк тизимини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш даврида ҳосил бўладиган иқтисодий бўшлиқларни тўлдириш, яъни барча аҳоли қатламларининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш, банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга

ошириш мақсадида давлат иштироки 3 та банкда — Миллий банк, «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» да сақлаб қолиниши белгиланган.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака банк», «Ипотека-банк», «Алоқабанк», «Туронбанк» ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши кўзда тутилган. Маъзур тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёни босқичма-босқич, яъни биринчи босқичда давлат улуши мавжуд бўлган банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда эса давлат акцияларини нуфузли хорижий инвесторларга сотиш назарда тутилган.

Кўпчиликда банклар нега тўлиқ сотилапти деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шунини айтиш мумкинки, банк тизимига янги қарашлар, билим ва кўникмалар олиб келаётган инвестор керак. Тўғриси, ҳозирга қадар бу борада кўп ҳаракатлар бўлди. 10-20 фоизини сотишга уринишлар яхши самара бермади. Мантиқан ҳам ўйлаб қўрилса, инвестор мулкнинг 20 фоизини олса-ю, қолгани бошқа одамнинг қўлида бўлса, хориқлик инвесторнинг ишончи бўлмайди. Шу боис, банкни тўлиқ сотиш керак. Бунда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати янада қўлайлашиб, арзонлашиши тахмин қилинмоқда.

— Шунингдек, 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида келгуси беш йилликда тизимни ривожлантиришнинг 4 та устувор йўналиши мавжуд, — дейди Санжар Носиров. — Ушбу тизимнинг самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, банк хизматлари оммабоплигини таъминлаш ҳамда банк тизимида давлат улушини қисқартириш шулар сирасига қиради. Ҳозир давлат иштирокидаги банклар фаолияти халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан трансформация қилинмоқда. Тижорат банклари бошқарув органларига банк соҳасида халқаро таърибага эга юқори



малакали экспертлар жалб қилинмоқда.

Қолаверса, тадбирда тижорат банклари фаолиятида илғор рақамли технологияларни кенг татбиқ этган ҳолда аҳоли ва миждозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, банккоматлар ва инфоқисқларда амалга оширилган молиявий операциялар турларини кенгайтириш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажминини ошириш борасида ҳам ахборот берилди.

— 2018 йилда 4225 нафар жисмоний шахс масофавий банк хизматларидан фойдаланган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатида уларнинг сони 13 748 нафарга етди, — дейди Марказий банкнинг Тўлов тизимлари департаменти директори Улуғбек Маҳмудов. — Бир сўз билан айтганда, мобил иловалар сонининг кўпайиши, QR-код тизимининг афзалликлари, энг асосийси, аҳолида рақамли молиявий хизматлардан фойдаланиш бўйича

саводхонлигининг яхшиланиб бориши билан банк тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлами ортмоқда. Шунингдек, эндиликда рақамли банк хизматлари замон талабларига мос равишда янада тараққий этиб боради. Зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиб, масофадан идентификация қилиш (e-ID ва e-KYC) тизимини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда.

Шунингдек, тадбирда Марказий банк ҳузуридаги банк ва молия-кредит соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларининг олдини олиш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини қўриш ва текшириш (FINCERT) маркази ташкил этилаётгани тўғрисида ҳам ахборот билдирилди.

Тоштемир МУРОД,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУРОЖААТНОМА

Халқимизнинг маданий-маърифий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

МАНБАДА ҚАЙТИБ

ПАРТИЯ АЪЗОСИМИСIZ, ДЕПУТАТМИСИЗ,

унда нега партиянгиз наشريга обуна бўлмайсиз?

БУГУН ОБУНА ҲАҚИДА
ГАП КЕТСА, ҲАР ХИЛ
ФИКРЛАР АЙТИЛАДИГАН
БЎЛИБ ҚОЛДИ. ГАЗЕТА
ВА ЖУРНАЛ ЁКИ ОБУНА
НИМАЛИГИНИ ТУШУНГАН
ҲАМ, ТУШУНМАГАН ҲАМ,
ОХИРГИ МАРТА ГАЗЕТА
ҚАЧОН ЎҚИГАНИНИ
ЭСЛОЛМАЙДИГАНЛАР
ҲАМ ЎЗИЧА ФИКР
БИЛДИРЯПТИ. Тўғриси,
ҲАР КИМ АҚЛИ ЕТГАНИЧА
ЁКИ ЎЗ ХОҲИШИДАН,
КАЙФИЯТИДАН КЕЛИБ
ЧИҚИБ МУНОСАБАТ
БИЛДИРАДИ.



“Мажбурий обуна” деган икки сўз пайдо бўлгач, айримларга худо берди. Газетани, журнални, ким хоҳласа ўқисин, хоҳламаса ўқимасин, обуна бўлса бўлсин, бўлмаса ўзи биллади, каби гаплар кимларгадир жуда ёққани сир эмас. Улар обуна ташвишидан кўтилганларидан хурсанд. Бироқ ўйлашмайдики, аҳоли газета, журнал, китоб ўқимаса, эртага маънавият, дунёқараш нима бўлади?

Россия, Япония, Корея ёки бошқа ривожланган давлатларга бориб, келганлардан кўп эшитамиз, одамлар метрода, автобусда китоб, журнал, газета ўқиб кетишини. Бунинг сабаблари кўп албатта. Бизда ўқийдиган одам камлигининг ҳам сабаблари бор.

Кимлардир сийқаси чиққан гапни яна айтиши мумкин: ўқиладиган нарсаси бўлса ўқилади-да...
Олдин ўқиб кўринг, кейин ҳолис гапиринг. Ўқийман деган одам баҳона ахтармайди. Республика газеталаридан тортиб, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Тафаккур”, “Тулистон” журналларига ўқиладиган мақолалар, асарлар оз эмас. Кишини ўйлантирадиган яна бир масала — мутахассислар ўз соҳаси наشريга обуна бўлишга кўникама ҳосил қилмаган. Тиббиёт ходими, ўқитувчи, фермер, партия аъзоси, депутат нега ўзига тегишли наشريга обуна бўлмайди?

Ўз соҳасига оид тажрибани, мутахассислар фикр-мулоҳазаларини,

янгиликларни улар қаердан ўқишди? Масалан, партия аъзоси дегани бу — сиёсатчи дегани, сиёсий ташкилот аъзоси дегани. Депутат эса халқ вакили, сиёсий партиядан сайланган.
Энди ўйлаб кўрайлик, сиёсий партия аъзоси ёки депутат ўз партияси наشريга обуна бўлмаслиги яхшими, ёмонми, бундан у ютадики, ютказадими?
Газета ўқимаган киши сиёсий партия кўрсатмаларидан, бошқа ҳудудлардаги янгиликлардан, партиядошлари фикрларидан беҳабар қолади. Дунёдан беҳабар одам йўлни тўғри танлай олмайдими, адашади, ишида унум бўлмайди.
Демак, ким қайси соҳада ишлаётган бўлса, уша соҳа наشريга обуна бўлиши

керак. Ҳар қандай маданиятли одам бу мажбурий обуна эмаслиги, балки обуна бўлишга бурчли эканилигини тушуниши керак.
Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кўни байрами муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мажбурий обуна, деб обуна издан чиқариб юборилгани ҳақида гапириб, жамоатчилик эътиборини обуна масаласига қаратган эди.
Ким бундан тўғри хулоса чиқариб олди, ким хотиржамлигича қолди. Бунга ЎзХДП Сурхондарё вилоят ташкилотларидаги обунага муносабат ҳам мисол бўла олади.
Маълумотларга қараганда, 2020 йил 30 декабрь ҳолатига вилоят бўйича “Ўзбекистон овози”га 47 та обуна

расмийлаштирилган, ҳолос. Бу эса ҳар 800-850 нафар партия аъзосидан бир киши обуна бўлди, дегандир.
— Худудда 39 минг 995 нафар аъзони бирлаштирган 665 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш сектор мудир Феруза Балтаева. — Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 14, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 77 депутат иш олиб бораёпти.
Тан олиб айтиш керак, маънавий-маърифий соҳада камчиликларимиз бор. Тарғибот ишлари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Шундан бўлса керак, обунани ҳам кўнгилдагидек ташкил қилолмадик. Туман, шаҳар ва вилоят масъуллари “Ўзбекистон овози” газетасига бир донадан йиллик обуна расмийлаштирилган бўлсада, аксарият партия аъзолари, депутат ҳамда кўйи бўгин етакчиларида ҳамон лоқайдлик кузатишмоқда.
— Хўш, сурхондарёлик партиядошларимиз ва депутатлар бу йил партиямиз нашини ўқимайдими?
— Айтиб ўтилганидек, оғриқли нуқталаримиз бор. Шунинг учун худудларда тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. Учрашув ва семинарлар ташкил қиляпмиз. Шунга асосан, жорий йилнинг 27 январь ҳолатига вилоят бўйича 83 та обуна расмийлаштирилди. Бўйсун, Музработ, Термиз, Жарқўрган туманларида ўзгариш кузатилаётган бўлса-да, Қизилқум, Узун, Ангор, Шеробод, Олтинсой ва бошқа туманларда ички имкониятлардан унумли фойдаланилмагани афсусланарли.
Вақт кутиб турмайди. Фурсат ғанимат. Жойларда обуна давом этаётган экан, ҳар бир партия аъзоси, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, депутат бу ҳақда ўйлаб кўришлари, партиямиз вилоят Кенгашлари эса талабчан ва ташаббускор бўлишлари керак.

Абдумалик ҲАЙДАРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ИИБ ХАБАРЛАРИ

7000 АҚШ ДОЛЛАРИ ЎГИРЛАНГАН ЭДИ



2020 йилнинг 1 октябрь кўни тахминан соат 13:00 да номаълум шахс, Бухоро шаҳар “Шарқ” автобекати яқинида турган “Нексия” русумли автомашинадан 7000 АҚШ доллари ўғирлангани тўғрисида Бухоро шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси навбатчилик қисмига хабар қилинади.
Жиноят иши бўйича олиб борилган тезкор суриштирув ҳамда дастлабки тергов ҳаракатлари давомида, ушбу жиноятни 1994 йилда туғилган Бухоро шаҳар Шербидун кўчасида яшовчи М.Н.Исмилли шахс содир қилганлиги аниқланиб, ундан ашёвий далил сифатида олинган 7000 АҚШ доллари жабранлувчида тўлиқ қайтарилди.
Ҳозирги кунда жиноят ишида гумон қилинувчи М.Н. Исмилли шахсга нисбатан дастлабки тергов ҳаракатлари давом эттирилиб, унинг шу турдаги бошқа жиноятларга дахлдорлик ҳолатлари ўрганилмоқда.

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ОЛДИ-СОТТИСИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ



Қува тумани ИИБ ЖКБ ва ТЭҚКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-профилактик тадбир давомида Қува тумани, “Ифтихор” маҳалласида яшовчи, фуқаро П.Р.нинг уйи ҳолислар иштирокида кўздан кеचирилганида, 2 дона қозоқ кутига солинган ўткир ҳидли “наша” гиёҳвандлик моддаси сақлаб келинаётганлиги аниқланиб, ушбу гиёҳвандлик моддаси далилий ашё тарикасида текшириб кўриш учун олинди.
Бундан ташқари, унинг хонадонида бўлган таниши, Қува тумани “Баҳор” маҳалласида яшовчи 1972 йилда туғилган фуқаро Х.А.нинг курткаси чўнтағидан бир дона гугурт қутисига солинган “наша” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида баённома расмийлаштирилиб, далилий ашё тарикасида олинган.
Ўтказилган суд қимёвий экспертиза хулосасига қўра, ушбу модда “марихуана” эканлиги аниқланиб, оғирлиги 1.024 граммга тенг эканлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатлар юзасидан Қува тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлимида Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

ПОП ТУМАНИДА ҚИМОРХОНА ФОШ ЭТИЛДИ



Поп тумани ИИБ ҲПБ ТП профилактика инспектори берган маълумотига асосан, вилоят ИИБ тезкор вакиллари билан ҳамкорликда Поп туманида яшовчи, 1973 йилда туғилган фуқаро яшаш хонадонига бир гуруҳ фуқаролар қимор ўйинини ўйнашларига шароит яратиб бериб, ҳар бир ўйиндан 5.000 сўмдан чўтал олиб, моддий манфаат кўрганлиги аниқланган.
Далилий ашё сифатида карта ва ўртага қўйилган жами бўлиб 1.785.000 сўм пул олинган. Ушбу ҳолат бўйича Поп тумани ИИБ хузуридаги ТБ томонидан Жиноят кодексининг 278-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Нилуфар ТЎРАХОҲОНОВА,
ИИБ ахборот хизмати ходими,
лейтенант.

МАЪНАВИЯТ

Эндигина унаётган навнихолга нималар зарур? Албатта, эътибор. Бунда эса оила, мактаб ва маҳалланинг узвий бардавонлиги, биргаликдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Жамиятдаги соғлом муҳит ёшлар тарбиясига боғлиқ. Ўтказилаётган ҳар бир маънавий тадбир, ёшларни ўйлашга, фикрлашга, ҳулосалар чиқариб олишига хизмат қилиши керак.


«ҚИЗ ҚАЛБИ»

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 98-умумтаълим мактабида қиз боланинг оиладаги ўрни, ҳаё-иффати, кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида ўзини тутиши, мактаб ҳаётидаги иштироки, келажақдаги орау-умидлари ва режаларига бағишланган “Қиз қалби” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда мактабнинг 8-11-синф ўқувчи қизлари, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Муҳаббат Нарзиқуллова, маънавий-маърифий ишлар бўйича муовин Лола Абдуллаева, психолог Рихсидан Бўриқўжаева, она тили ўқитувчилари Нигора Ҳамдамова, Турсуно Сафарова ҳамда “Посира” маҳалла фаоллари иштирок этишди.
Савол-жавоблар давомида қизларнинг деярли тўқсон фоизи келгусида олий таълим даргоҳларида ўқиш истистада эканини билдирди. Учрашув вақтида, айрим қизлар уяли телефонидан бош кўтармай, ёки шунчаки гап сотиб, бепарво ўтириди, бироқ бу билан давра совилади, аксинча, фаол қизларнинг кўпчилиги боис жуда қизиқди.
Ҳануз болалик осмонидан парвоз айлаётган маъсума қизалоқларнинг қалбларига қулқ тугилди. Улар ўз ижодларидан намуналар ўқишди, орзулари билан ўртоқлашди. “Йигирма йилдан сўнг ўзингизни қандай тасаввур этасиз?” деган саволга қизлар юрак тубида балқийган эзу ниютларини билдириб ўтишди.
Аммо катта ҳаётга қадам босаётган бу эрка қалбларга келгусида қалб кўзини парда босмаслиги учун катталарнинг ўғити, панд-насихатлари керак бўлади. Шу боис, тадбир давомида уларга илм-маърифатнинг аҳамияти ҳаётий мисоллар орқали тушултириб берилди. Боки туйғулор билан бирга қиз қалбида зийраклик ва огоҳлик бўлса, ёмонларга ўлжа бўлмайди, ўзга юрталарда хор-у зор юрмайди, ёт оқимларга қўшилиб кетмайди, дея таъкидланди. Ёшлиқни қадраш, уни лоқайдлик-бепарволик билан ўтказиб юбормаслик, ўз вақтида илму ҳунар эгаллаб, эртанги ҳаёт учун замин ҳозирлаши лозимлиги ўқитилди. “Кекса авлодни кузатиб, нечун белдан қувват, кўздан нур кетади? Шулар ҳақида албатта ўйланг ва бир кун мен ҳам шу ахволни бошимдан ўтказаман, деган ўйни қалбингиздан ўчирмай, ёшлик шижоатидан унумли фойдаланинг”, қабилдаги ўғитлар берилди. Оилавий келишмовчиликлар, ажримлар ҳақида ўйлаш, фикр юритиш, уларнинг рўй бериши сабабларини таҳлил қилиш тўғрисида ҳам қизлар билан очик суҳбатлашилди.
Дугоналик... Қизларга берилган “Сиз дугоналикка қандай муносабатдасиз, деган савол атрофида фикрлашилди, айирмачилик, табақаланиш, гуруҳларга бўлиниб юриш каби иллатлар қораланди. Тадбир якунида қизлар даврасини кенгайтириш, мулоқотларни давом эттириш, вазифалар белгилаб олинди.
Усмир қизлар — бўлғуси келинчақлар, бўлғуси оналар, бўлғуси олимлар, тадбиркор-у ишбилармонлар билан очик мулоқот самимий, дўстона руҳда ўтди.

Роҳат ҚУРБОНОВА,
журналист.

ЎҚУВ - МАШҒУЛОТ

Журналистлар Судьялар олий мактабида малака оширди



Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан журналистларнинг ҳуқуқий билими, малакасини ошириш учун мўжалланган ўқув-машғулотнинг ҳар бири бахс-мунозара билан ўтди. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган ҳар қандай хабар, ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, қонунга асосланган бўлиши керак. Суд-ҳуқуқ соҳасига оид атамаларни бошқача талқин қилиш нотўғри. Навбатдаги машғулотда «Судларда жиноят ишлари бўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш» мавзуда маъруза қилган Бир прокуратура академияси катта ўқитувчиси Дилзода Довудова фикр-мулоҳазаларини ҳам қизиқиш билан эшитди.
— Айрим оммавий ахборот воситаларида прокурорни давлат қораловчиси, деб айтилади. Мен бунга қаршиман, — деди Дилзода Довудова. — Бу совет тузумидан қолган. Жиноят ишларининг барчасида прокурор иштирок этиши шарт. Прокурор айбловни ўзгартириши ёки айбловдан воз кечиши мумкин. Агар судда жабранлувчи ёки айбланувчи ҳимоячи билан таъминланмаган бўлса, прокурор муносабатини билдирди.
Сўнгги йилларда замонавий ахборот технологияларини судлар фаолиятига жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Машғулотда Олий суд бошқарма бошлиғи Баҳромжон Очилов масаланинг шу жиҳатига тўхтади. У судлар томонидан фуқароларга ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар ҳақида маълумот берди.
— Суд тизимини рақамлаштириш, ахборот технологияларининг жорий этилиши иш самарадорлигини оширади, очиклиқни таъминлайди, — деди Баҳромжон Очилов. — Иш судга келиб тушгандан то кўрилиб, архивга топширилгунча мониторинг қилиб борилади. Замонавий технологиялар ишни тез кўриб чиқиш имконини беради. Суд қарорлари ҳам ижрога электрон тарзда юборилади. Судья хонада ўтириб, ижро ҳужжатларини назорат қилиб бо-

ради. Натижада турли овозрагарчиликларнинг олди олинмапти. Фуқароларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалаяпти. Битта рақамни келтирай. Сўнгги икки йилда қарийб 58 минг нафар фуқаро суд биноларига келмай ҳужжатларини электрон тарзда топширган. Натижада улар 17,7 миллиард сўмини иқтисод қилган.
Суд биноси қаердан бошланади? Суд биносига оммавий ахборот воситалари вакиллари қандай киритилади? Судьялар олий мактаби кафедра мудир Малика Қаландарова шундай савол билан журналистларга мурожаат қилди. У бизнинг жавобимизни эшитгач, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларда иш кўришни оқийлиги бўйича гапирди.
— Ҳуқуқий мавзуда ёздадиган муҳбир суд, прокурор ва адвокат билан мулоқот қилмаса соҳага кира олмайдими, — деди у. — Тижорат сири бор. Агар ошкор қилinsa, тадбиркор зарар кўради. Судьялар давлат сирлари, ҳарбий сирлар сингари тижорат сирини ҳам билиши керак. Иқтисодий судда ишни ёпиқ тарзда кўриш жуда кам. Мабодо, ёпиқ тарзда кўрилса судья асосланганлиги ажрим чиқаради. Иқтисодий судлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги низоларни кўради. Низолар бир ойда кўрилиши керак. Фақат суд раисининг рўхсати билан икки ойда кўрилиши белгиланган.

Равшан ШОДИЕВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

